

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Р.Пулатова**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

**К.Щопулатова**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

**О.Н.Хайтов**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали ассистенти

### **Аннотация:**

мазкур мақолада саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш маъмурий ишчилар нисбатини оптималлаштириш, персонални тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқолишини камайтириш билан боғлиқдир. Иш вақти фондининг максимал фойдаланиш коэффициенти (бундан кейин персоналдан фойдаланиш коэффициенти деб юритилади) меҳнатнинг мазмунини тавсифлайди.

**Таянч сўзлар:** саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш маъмурий ишчилар нисбатини оптималлаштириш, персонални тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқолишини камайтириш билан боғлиқдир. Иш вақти фондининг максимал фойдаланиш коэффициенти (бундан кейин персоналдан фойдаланиш коэффициенти деб юритилади) меҳнатнинг мазмунини тавсифлайди. У ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган персонал сони ва таркиби билан корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини солиштириш учун хизмат қилади. Бу кўрсаткич персоналнинг фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Иш вақтининг яхши йўлга қўйилган ҳисобида, бизнинг фикримизча, иш вақти фондидан максимал фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти орқали меҳнат интенсивлигини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур коэффициент қуйидаги формула (1) орқали ҳисобланади:

$$K_f = 100 - \sum \frac{T_i}{T} * 100, \quad (1)$$

бу ерда:  $K_f$  – иш вақти фондининг максимал фойдаланиш самарадорлигикoeffициенти;

ициенти;

$T_i$  –  $i$ -категория бўйича иш вақтининг йўқотилиши;  $T_v$  – иш вақтининг максимал фонди.

Бизнингча, бу кўрсаткич саноат корхоналарида алоҳида долзарбдир, шундай экан бу кўрсаткич кадрлар резервини аниқлаш имконини беради. Биз, иш вақти ҳисобини иқтисодчи олим С.Д.Ильенкова томонидан таклиф этилган методика бўйича олиб боришни таклиф этамиз<sup>16</sup>.

Саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишгатаъсир этувчи ходимнинг меҳнат салоҳиятини баҳолаш, унинг миқдори, сифатини аниқлаш ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналари ходимлари меҳнат салоҳиятини баҳолаш орқали бошқариш ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги вазифаларни ҳал этишдан иборатдир:

- муайян иш жойини иш кучи сифатида қўядиган талабларга энг тўлиқ равишда тўғри келадиган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қобилиятларини шакллантиради;
- меҳнат жараёнида ходимнинг меҳнатга бўлган қобилиятларидан мукамал даражада фойдаланиш имконини берадига ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) шарт-шароитларини яратиш;
- меҳнат (саноат) жараёни ходимнинг ижтимоий ривожланиши, саломатлиги ва шахсий манфаатларига зарар етказмаслиги лозим.

Саноат корхоналарида ходимларни бошқариш учун ходим меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмларида ҳар бирининг амал қилиш механизминиааниқлаб, унинг заҳираларидан энг тўлиқ равишда фойдаланишга таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, аниқсамухимдир. Мазкур чора-тадбирлар тизимли тармоқ ишчи ходимлари меҳнат самарадорлиги муаммолари ва уни баҳолаш параметрлари билан бевосита узвий боғлиқдир.

Бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида асосий эътибор, жамият меҳнат салоҳиятидан, мезо ва микро даражаларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилиши керак.

Бизнинг фикримизча, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: иш жойларининг миқдор ва сифат жиҳатидан мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатини таъминлаш; меҳнат ресурсларини меҳнат фаолиятида иштироки асосида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан усулларини яратиш; меҳнатда банд бўлиш шарт-шароитлари ва шакллари такомиллаштириш; меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг сифат жиҳатларини ошириш; меҳнат ресурсларининг касбий-малака даражасини ўстириш.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, саноат ходимлари меҳнатининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги – бу кам меҳнат сарфи ва юқори хизмат сифати орқали истеъмолчилар эҳтиёжини юқори даражада қондириш учун товарлар ва

хизматлар реализацияси билан боғлиқ бўлган кўп томонлама фаолият натижасида эришишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик балансининг меҳнат муносабатлари орқали акс эттиришдир.

Саноат ходимларининг меҳнат самарадорлиги иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу саноат тармоқларининг ижтимоий-оммавий ва хўжалик тизими сифатида хусусий, аралаш мулкчиликка асосланади ҳамда ишловчиларга икки ёқлама муносабатни тақозо этади. Саноат хизмати саҳасининг ўзига хос жиҳати ва ундаги меҳнат ресурсларининг икки ёқлама хусусияти, ушбу соҳада банд бўлганлар меҳнатидан фойдаланиш натижасини баҳолаш мезонларини танлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Саноат корхоналарида меҳнат салоҳиятидан етарлича фойдаланмаслик (саноат ходими реал ва потенциал имкониятлари билан уларни амалга ошириш ўртасидаги номувофиқлик) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш эҳтиёжлари билан саноат ходимларининг касбий таркиби ўртасидаги, ходимлар малакасининг мавжуд ва ҳақиқатга зарур даражаси ўртасидаги номувофиқликда меҳнат функцияларини оқилона тақсимлашда меҳнатдан, уни ташкил этишдан ва шарт-шароитлардан қоникмасликда; ходимдаги маъсулиятни хис қилиш туйғусининг етарли ривожланмаганлигида ва ҳоказо омилларда намоён бўлади.

Мазкур ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга таъсир этувчи омиллар саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига, саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатига ва натижада меҳнат самарадорлиги пасайишига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
2. Қудратов Ш.Ғ. Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир қилаётган асосий муаммолар. *Международный научный журнал № 2 (100), част 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022. С. 688.*
3. Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари. *Иқтисодиёт ва таълим / 2022-йил 5-сон.*
4. Нурмухамедов А.А. Нурмухамедова Б.И. Фонд бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги. "Скиэнке анд Эдукатион" Скиэнтифик Жоурнал. / ИССН 2181-0842 Марч 2023 / Волуме 4 Иссуэ 3